

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЖИЕВА ФЕРУЗА МЭЛСОВНА

**БИОГРАФИК РОМАН ЖАНРИ ХУСУСИЯТЛАРИ
(И. СТОУН, М. ҚОРИЕВ ВА Н. НОРМАТОВ АСАРЛАРИ ҚИЁСИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract for the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Хажиева Феруза Мэлсовна

Биографик роман жанри хусусиятлари
(И. Стоун, М. Қориев ва Н. Норматов асарлари қиёсида) 3

Хажиева Феруза Мэлсовна

Жанровое своеобразие биографического романа (сравнение
произведений И. Стоуна, М. Кориева и Н. Норматова) 23

Khajieva Feruza Melsovna

Genre peculiarities of a biographical novel
(comparison of I. Stone, M. Qoriyev and N. Normatov's works) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЖИЕВА ФЕРУЗА МЭЛСОВНА

**БИОГРАФИК РОМАН ЖАНРИ ХУСУСИЯТЛАРИ
(И. СТОУН, М. ҚОРИЕВ ВА Н. НОРМАТОВ АСАРЛАРИ ҚИЁСИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil.405 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бақоева Муҳаббат Қаюмовна
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Лиходзиевский Анатолий Степанович
филология фанлари доктори, профессор

Пардаева Зулфия Жураевна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.д.

Г.Х. Боқиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиёти тарихида XX-XXI асрлар оралиғи катта ўсиш-ўзгаришлар, янгиликлар ва тараққиёт даври бўлди. Бу вақтда поэтик тафаккур миқёслари янада кенгайиб, оламни бадиий идрок этиш ва тасвирлашнинг реализмдан фарқ қиладиган тамойиллари майдонга келди. Адабий жараёнда сўз санъати янги-янги ғоя, мавзу, услуб, тенденциялар билан бойибгина қолмай, уларнинг тур ва жанрлар қатори ўзаро трансформацияси ва дифференциацияси, синтезлашуви содир бўлди. Биографик роман жанри айнан шу ҳодисанинг ҳосиласи сифатида мазмунан бойиб, янгича кўриниш – шаклга эга бўлди. Шу сабабли, қиёсий адабиётшуносликда биографик роман жанрининг ўзига хослигини чоғиштирма аспектда ёритиш, унинг спецификасини умумжаҳон адабиёти контекстида таҳлил этиш муаммолари долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда дунё адабиётшунослигида биографик асарларни таснифлаш, уларнинг тарихий ва соф бадиий асарлардан фарқини кўрсатиш, муаллиф ижодида биографик роман концепциясини тайинлаш, қиёсий аспектда биографик асарларнинг бадиий-ғоявий, структурал, услубий, поэтик жиҳатларини ёритиш масалаларини илмий тадқиқ қилиш адабиёт ривожининг хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради. Қиёсий аспектда замонавий биографик романлардаги тенденцияларни, услубий жиҳатларни, бадиий воситаларни аниқлаш ва индивидуал ўзига хослигини тадқиқ этиш ушбу соҳанинг устувор йўналишларидан саналади.

Мамлакатимизда ислохотлар даврида жамият маънавияти асоси саналадиган адабиётга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда ва ўзбек адабиётининг нуфузини оширишга эътибор берилмоқда. Айниқса, миллат ўтмиши ва буюк аждодларимиз ҳаётини бадиий синтез орқали талқин қиладиган асарларни чуқур таҳлил этиб, уларнинг жаҳон адабиёти контекстидаги ўрнини кўрсатиш ва шу орқали адабиётимизни ва маънавиятимизни танитиш устувор масала бўлиб келмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади»¹. Шу сабабли тарихий шахслар ҳаётига бағишланган биографик асарларни қиёсий аспектда ўрганиб, унинг ўзига хос жанрий хусусиятларини, бадиий-тадрижий такомилни, жаҳон адабиёти намуналари билан чоғиштирма ўрганиш каби муҳим вазифалар қиёсий адабиётшунослик соҳасида чуқур изланиш олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли адабий ҳодисалардаги ўхшашликларни тадқиқ этиш, улардаги умумий ва хусусий жиҳатларни ўрганиш адабиётшуносликнинг мураккаб лекин, шу билан бир қаторда қизиқарли жиҳати ҳисобланади. Қиёсий адабиётшунослик соҳасида бир қанча фундаментал тадқиқотлар мавжуд². Бу ишларда адабий ҳодисалар – мотив, услуб, сюжет, композиция, бадиий синтез каби муаммоларни чоғиштирма ўрганиш методлари ёритилган.

Биографик асар тараққиёти, унинг кўринишлари, ўзига хос жиҳатлари илмий-назарий жиҳатдан ўрганилишида инглиз биографи В. Вульф, француз адиби А. Моруа, америка ёзувчилари ва танқидчилари Ж. Клиффорд, Д. Аарон, П. Кендалл, К. Ролисон, Б. Рурбах, И. Стоун, М. Лэки кабиларнинг алоҳида хизматлари бор³. Бадиий биографик асарларнинг генезиси, ўзига хос жиҳатлари, яратилиш тамойиллари, уларда тарихийлик ва бадиийликнинг ўзаро боғланиш шартларига доир бу олим ва адиблар томонидан баён қилинган фикр-мулоҳазалар биографик асарларга оид назарий қарашларнинг асосини ташкил қилади.

² Жирмунский В. Сравнительное литературоведение. – Ленинград: Наука, 1979. – 492 с.; Конрад Н.И. Запад и Восток. – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1972. – 496 с.; Неупокоева И. Сравнительные аспекты изучения в «Истории всемирной литературы». – Москва: Наука, 1967. – 15с.; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – Москва: Прогресс, 1979. – 320 с.; Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. – Москва: Прогресс, 1977. – 229 с.; Минералов Ю.И. Сравнительное литературоведение. – Москва: Высшая школа, 2010. – 384 с.

³ Woolf V. The Art of Biography // Biography as an Art. edited by James Clifford. – New York, 1962. – P.128-132.; Maurois A. The Ethics of Biography. // Biography as an Art. edited by J.L.Clifford. – New York: Oxford University Press, 1962. – P.172-173.; Clifford J.L. Biography as an Art. – New York: Oxford University Press, 1962. – 256 p.; Aaron D. Studies in Biography. – Cambridge: Harvard University Press, 1978. – P.200; Kendall P.H. The art of biography. – New York: W.W.Norton and Company, 1985. – 158 p.; Rollyson Carl. Biography: A user's Guide. – Chicago: Ivan R.Deer, 2008.– 322 p.; Roorbach Bill. Writing Life Stories. – Ohio: Writer's digest books, 2008. – 296 p.; Стоун И. Биографик қисса ҳақида. // Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010.–Б.383; Lackey M. Truthful conversations with American biographical novelists. – New York: Bloomsbury, 2014. – 264 p.; Lackey M. The American Biographical Novel. – New York: Bloomsbury, 2016. – 277p.

Хориж адабиётшунослигида Т.Е. Комаровская, Г.Е. Померанцева, О.Л. Гиль, Е.В.Ушакова, Г.В. Казанцева, А.В. Шубина, А.А. Холиков каби олим ва адибларнинг ишларида биографик асар хусусиятлари тўғрисидаги қарашлар баён қилинган. Биографлар ижоди ва бадиий биографиялар таҳлили берилган⁴.

Шунингдек, Я. Кумок, В. Жданов, С. Семанов, И. Андронников, М. Чудакова, Б. Бурсов, Л. Гладилин, Я. Гордин кабиларнинг мақолаларида мавзуга дахлдор фикрлар баён этилган⁵.

Ўзбек адабиётшунослигида биографик асарлар, асосан, тарихий асарлар типиде ўрганилган. Бу борада С. Мирвалиев, И. Варфоломеев, А. Каттабеков, И. Самандаров, А. Носиров, Ғ. Муродов ва бошқаларнинг тадқиқотларини санаб ўтиш мумкин⁶. Бироқ биографик жанрнинг жаҳон ҳамда ўзбек адабиётидаги тараққиётини қиёсий ўрганишга ва биографик романнинг жанрий хусусияларини тайин этишга, америка ва ўзбек адабиётида яратилган биографик романларни чоғиштириш орқали муштарак ва фарқли жиҳатларини ишлаб чиқишга бағишланган йирик монографик тадқиқот мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Бухоро давлат университетининг «Гилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий типологик изланишлар ва адабиётшунослик муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади. Диссертация Бухоро давлат университети ва Италиянинг Пиза университети ҳамкорлигида амалга оширилган Erasmus+2015-1-IT02-KA107-014705 International Credit Mobility (Халқаро Кредит Мобиллик) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади биографик романнинг жаҳон ҳамда ўзбек адабиётидаги тараққиётини ўрганиш, жанр хусусияларини аниқлаш, америка ва ўзбек адабиётида яратилган биографик романлардаги муштарак ва фарқли жиҳатларини ёритиб беришдан иборат.

⁴ Комаровская Т.Е. Творчество Ирвинга Стоуна.–Минск: Изд БГУ, 1985. – 144 с.; Померанцева Г.Е. Биография в потоке времени. ЖЗЛ: замыслы и воплощения серии.– Москва: Книга, 1987. – 335 с.; Гиль О.Л. Документально художественные биографии в творчестве Ричарда Олдингтона: Книги о писателях. Дисс. ... канд.филол.наук. – Санкт-Петербург, 1996. – 163 с.; Ушакова Е.В. Литературная биография как жанр в творчестве П.Акройда: Дисс. ... канд.филол.наук. – Москва, 2001. – 195 с.; Казанцева Г.В. Беллетризованные биографии В. П. Авенариуса «Пушкин» и «Михаил Юрьевич Лермонтов»: история, теория, поэтика жанра: Дисс. ... канд.филол.наук. – Йошкар-Ола, 2004. – 239 с.;Шубина А.В. Проблема биографического жанра в творчестве Питера Акройда:Дисс. ...канд.филол.наук. – Санкт-Петербург, 2009.; Холиков А.А.Биография писателя как теоретико-литературная проблема (На материале жизни и творчества Д.С.Мережковского с 1865 по1919): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2009.

⁵ Вопросы литературы. – 1973. – № 10. – С.18-33.

⁶ Мирвалиев С. Ўзбек романи (жанр манбалари ва унинг ташкил топиши). – Тошкент: Фан, 1969. –313 б.; Варфоломеев И. Типологические основы жанров исторической романистики: (Классиф. вида). – Ташкент: Фан, 1979. – 166 с.; Каттабеков А. Художественное воплощение личности и исторической эпохи в современной прозе: Дисс. ... док.филол. наук. – Ташкент, 1985. – 398 с.;Самандаров И. Историзм узбекских исторических романов: Афтореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 24 с; Носиров А. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини («Олдузли тунлар» романи мисолида): Филол.фан.ном....дисс.автореф. – Тошкент, 2003. – 24 б.; Муродов Ғ. Тарихий роман: генезиси, кейинги тараққиёти. – Тошкент: Фан, 2005. – 170 б.;

Тадқиқотнинг вазифалари:

биографик романнинг жаҳон ва ўзбек адабиётидаги тараққиётини диахрон аспектда ишлаб чиқиш;

АҚШ, Европа, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда ўзбек адабиётшунослигида биографик роман ҳақида баён қилинган турли қарашларни аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилида яратилган биографик романлардаги адабий-типологик ўхшашликларни ишлаб чиқиш ва тегишли хулосалар чиқариш;

инглиз ва ўзбек тилидаги биографик романларда тарихий ҳақиқатнинг бадиий ифодасини қиёсий исботлаш;

биографик романларда инсон руҳияти тасвирининг бевосита (туш ва галлюцинациялар, ички монолог каби) ва билвосита (қаҳрамон ҳатти-ҳаракатлари, мимикаси, физиологик ўзгаришлар тасвири) усулларини қиёсий аниқлаш;

биографик романда ўзига хос тарзда намоён бўладиган ёзувчи маҳорати ва услубий муштаракликни қиёсий исботлаш;

биографик романда муаллиф образини чоғиштира аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида америкалик адиб Ирвинг Стоуннинг «Изтироблар ва кувончлар» («The Agony and the Ecstasy»), «Ҳаёт иштиёқи» («Lust for Life»); ўзбек ёзувчиларидан Мақсуд Қориевнинг «Ибн Сино», Нодир Норматовнинг «Рўзи Чориевнинг сўнги васияти» асарлари белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини америка ва ўзбек адабиётидаги биографик романлар хусусияти ва бадиияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тавсифий, чоғиштира (синхрон ва диахрон аспектларда), биографик, психологик, адабий таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилидаги биографик романларда тарихий ҳақиқатни бадиий ифода этиш, асарларда инсон руҳиятини акс эттирадиган поэтик воситаларни қиёслаш орқали жанрнинг хужжатлилик ва бадиийликни бириктира олиши, дуалистик ҳамда синтетик хусусияти асосланган;

биографик романларда хронотоп, эпистоляр техника, концентрик ва хроникал сюжет, архитектоника, бадиий ғоя ва мавзунини ёритиш орқали жанрнинг бадиийлик тамойиллари концепцияси исботланган;

синхрон аспектда ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида биографик роман жанри намуналари контекстуал тарзда қиёсланилиши натижасида адабий жараёндаги биографик асарларда муштарак тарихий шахслар образлари ва романлар композициясидаги динамик ҳамда тематик фарқли жиҳатлари далилланган;

биографик романлардаги инсонпарварлик ва фидоийлик ғоялари, сюжетларидаги эпизодлар, инсон табиати тасвирининг муштарак томонлари, шунингдек, муаллиф образи ва баёнидаги фарқли услубий жиҳатлар аниқланган;

биографик асарларнинг генетик илдизларини – жаҳон адабиётида агиография, ҳаётнома, биографик луғат, биографик портрет ва ўзбек

адабиётида ҳолот, қисса, манокӣб, дoston сингари жанрлар ташкил этиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот жараёнида биографик романнинг генетик илдизлари, ўзига хос ғоявий-бадий ва композицион хусусиятлари, биографик романларда тарихийлик ва ҳужжатлилик принциплари, биографик романларда психологизмларнинг аҳамияти батафсил ўрганилган ва уларга хос белгиларни аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

биографик роман назарияси филология бўйича олий ўқув юртларида қиёсий адабиётшуносликка оид дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишда аҳамиятли эканлиги белгилаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, биографик роман жанрининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд илмий-тарихий ва бадий манбаларга таянилган ҳолда тавсифий, чоғиштира (синхрон ва диахрон аспектларда), биографик, психоаналитик, адабий таҳлил методлари асосида аниқлаб берилгани, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти жаҳон адабиёти ва замонавий миллий адабиёт тарихига оид, роман турлари, биографик асар шакллари бўйича изланиш олиб борадиган тадқиқотчилар учун муҳимлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти адабиётшунос тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида мутахассислик фанларини, жумладан, «Қиёсий адабиётшунослик», «Адабиёт назарияси», «Адабий-бадий таҳлил» фанларини ўқитишда, уларга оид дарслик, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда ва нашр қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Биографик роман жанри хусусиятларини америка ва ўзбек романчилиги қиёсида ўрганиш ва биографик роман табиатини ёритиш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

биографик романнинг дуалистик ва синтетик табиати, поэтикаси, ғоявий-композицион қурилиши, образлар таркиби ва генезисига оид назарий хулосалардан Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 22 ноябрдаги ФТА-02-11/1163-сон маълумотномаси). Натижада биографик романларнинг бадий тараққиёт тамойиллари, бадиияти, ижодкор маҳорати, ўзида тарихий-биографик ҳақиқатни, ҳужжатлиликни ва психологизмларни қай даражада акс эттириши каби бир қатор муҳим масалаларни ёритилишига асос бўлган;

Абу Али ибн Сино илмий биографиясининг бадий талқини, асар қаҳрамонининг образли тасвири, ички олами, илмий меросининг биографик романда қайта яратилиш тамойилларига оид хулосалардан Бухоро давлат бадий-меъморчилик музей-қўриқхонаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги

01-11-08-1290-сон маълумотномаси). Натижада «Афсона. Абу Али ибн Сино музейига саёхат» номли рисолаши нашрга тайёрланган, мемориал музейи экспозицияси орқали Абу Али ибн Сино биографияси ва адабиётдаги сиймоси ҳақида омма орасида ташвиқот ишларини самарали ташкил этишга хизмат қилган;

биографик романлардаги бадиий хронотопнинг рассомлар картинаси асосида асарларда вербал воқеланиши билан боғлиқ хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Ижод устахонаси» номли туркум телекўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 29 январдаги 05-15/391-сон маълумотномаси). Н. Норматовнинг «Рўзи Чориевнинг сўнги васияти» ва И. Стоуннинг «Ҳаёт иштиёқи» романларининг ўзига хос жиҳатлари, асарларда қўлланилган картинани сўз орқали ифодалаш, романда замон ва макон категорияларини яратиш бадиий техникаси каби масалалар бўйича телетомошабинларнинг маълумоти ва дунёқараши кенгайтишига асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларида 14 та мақола: 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 153 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Биографик роман тараққиёти ва назариясига оид қарашлар**» деб номланган биринчи бобида Европа ва ўзбек адабиётида биографик жанр тараққиёти диахрон аспектда кузатилган. Биография – юнонча «*bios*» – «ҳаёт» ва «*grapho*» – «ёзаман» деган маъноларни билдириб, индивидуал шахснинг ҳаёти ва фаолиятини сўзлаб берувчи ёзма маълумот ҳисобланади. Бугунги кунда адабий жанр сифатида эътироф этилган биографиянинг ибтидоси эрамиздан аввалги XXVI–XXII асрларда қурилган

Миср эҳромларида ўйилган ёзувларга бориб тақалади. Европа адабиётида биографик жанрнинг шаклланиши бевосита антик давр адабиётида яратилган биографик асарлар билан боғлиқ. Ксенофонт, Плутарх, Гай Светоний Транквилл каби антик адабиёт вакиллари асарлари буларга мисол. Антик адабиётда биографик наср тараққиётини кузатган М. Бахтиннинг ёзишича, қадимги даврда яратилган биографик асарлар Европада ривожланган биографик ва автобиографик шаклларгагина эмас, умуман, Европа романи ривожига жуда катта таъсир кўрсатган⁷.

Ўрта асрларда Европада *агиографиялар*, яъни муқаддас шахслар, авлиё-анбиёлар ҳаёти ҳақидаги қисса ва ривоятлар ҳамда *ҳаётномалар*, яъни дунёвий шахслар ҳаёти ҳақидаги асарлар ҳам ёзилган. Жованни Бокаччо, Жоржо Вазари, Жон Фокс, Френсис Бэкон, Айзак Волтон, Вольтер, Дидро, Мари Жан Антуан де Кондорсе, Пьер Бейль каби ёзувчилар асарларида жанр янгича талқинда, яъни *биографик портрет* ва *биографик лугатларда* ўз ифодасини топди. Биография ҳозирги кўринишга яқинлаштирилди.

XX асрнинг бошларида биография бадиийлаштирилди. Олимлар бунга сабаб деб 1918 йилда нашрдан чиққан «Машҳур Викториаликлар» («Eminent Victorians») асарини айтадилар. Инглиз ёзувчиси Литтон Стрейчи (1880-1932) томонидан яратилган бу асар романлаштирилган эссе жанрида ёзилган илк бадиий биография эди. Л. Стрейчи яратган биографиядан сўнг романлаштирилган биографиялар оммалашди. Францияда Андре Моруа, немис адабиётида Стефан Цвейг, рус адабиётида Ю. Тинянов, К. Паустовский каби ёзувчилар ўзларининг бадиийлаштирилган, романлаштирилган биографияларини яратдилар. «1930 йилларга келиб биографик роман жанри эстетик шаклга айланди ва машҳур бўлди. XX асрда қатор биографик романлар яратилиши билан бу ҳодиса изоҳланади»⁸. Леонард Эрлич, Лион Фейхтвангер, Томас Манн, Ирвинг Стоун, Арна Бонтем, Жей Парини, Питер Акройд каби адиблар биографик роман жанри ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Ўзбек адабиётида биографик асарлар яратиш тажрибаси қадим тарихга бориб тақалади. Дастлабки биографик характерга эга бўлган туркий тилдаги матнларни V-VII асрларда қадимги турк тилидаги ва ёзувидаги тарихий ёдгорликларда Ўрхун-Энасой обидаларида кузатиш мумкин. Ўрхун битикларида Култигин, Билга хоқон, Тўньюқуқ ва бошқа шахслар ҳақида ёзилган ва бу ёзувлар матни қаҳрамонлик қисса ва дoston жанрларига мазмунан яқин бўлиб ҳисобланади.

Бу туркий ёзувлар биографик жанрнинг илк кўринишлари бўлса-да, ўзбек мумтоз адабиёти намуналарида биографик жанр тараққий топиб, турли кўринишларга эга бўлган. Булар қаторига *тазкира*, *manoқиб*, *ҳолот*, *қисса*, *дoston* кабиларни санаш мумкин.

XX аср ўзбек адабиётида Ойбекнинг «Навоий» асари билан ўзбек биографик романининг тамал тоши қўйилди. Шундан кейин XX аср ўзбек

⁷ Бахтин М.М. Формы времени и хронотопа в романе // Бахтин М. Литературно-критические статьи. – Москва: Художественная литература, 1986. – С.182.

⁸ Lackey M. The American Biographical Novel. – New York: Bloomsbury, 2016. – P.1.

адабиётида биографик романнинг «Юлдузли тунлар», «Хумоюн ва Акбар» (П. Қодиров), «Ҳамза» (К. Яшин), «Ибн Сино» (М. Қориев), «Рўзи Чориевнинг сўнги васияти» (Н. Норматов), «Улуғ салтанат» (Муҳаммад Али) каби қатор намуналари яратилди.

Биографияни назарий жиҳатдан асослаш ишлари XX асрда жиддий тус олди. Андре Моруа («The Ethics of Biography» («Биография этикаси», 1942)) Харольд Николсон («The Practise of Biography» («Биография амалиёти», 1954)), Виржиния Вульф («The New Biography» («Янги биография», 1927)), Жеймс Томас Флексне («Biography as a Juggler's Art» («Биография фокусчи санъати сифатида», 1943)) каби адиблар биографик жанр ва унинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида ўз фикрларини билдирганлар.

Кўпчилик олимлар биографик асарларда *илмийлик ва бадиийликнинг боғланиши даражаларини* инобатга олган ҳолда таснифлар яратганлар. Улар орасида Пол Кендаллнинг таснифи жуда машҳур.

Кендалл биографияни: 1) биография услубига солинган роман ёки квазибиография (Роман, стилизованный под биографию или квазибиография)⁹ (novel-as-biography); 2) бадиийлаштирилган, беллетристик биография (fictionized biography); 3) талқиний биография (interpretative biography); 4) психологик биография (superbiography); 5) ҳаёт ва давр тасвирланган биография (life and times); 6) тадқиқот натижасида ёзилган биография (research biography); 7) академик биография (scholarly biography); 8) ҳаётномалар(the lives)га ажратади.¹⁰ Юқоридаги таснифда биографик жанр турлари бадиийликнинг камайиб, илмийлик ортиши даражасига қараб поғоналаштирилган.

И. Стоун биографик роман жанрининг хусусиятларини кўрсатиб берган. Унингча: 1) биографик романда ҳужжатлилик ва тарихийлик принципи устувор бўлади; 2) биографик романда худди бадиий асардаги сингари психологизмларга кенг ўрин берилади, унда воқеалар хронологик изчилликда баён қилинмай, муаллиф ўз қаҳрамони ҳаётининг драматик моментларини танлаши зарур; 3) биографик романда муаллиф образи кўринмаслиги керак. Акс ҳолда, муаллиф китобхон билан асар қаҳрамонлари орасига тушади ва китобхон ўзини асарда содир бўлаётган воқеалар ва даврдан узоқда сезади, биографик роман эса анъанавий биографияга ўхшаб қолади; 4) биографик романнинг асосини тарихий ҳақиқат, бадиий романикени эса умумлаштирилган ҳаёт манзаралари ташкил қилади. Бири реал ҳужжатлар ва тарихий ҳақиқатга асосланган асар бўлса, иккинчиси тўқимага асосланган, ҳаёт воқеликлари типиклаштирилган, бошқача қилиб айтганда, умумлашма, ёзувчи тасавури, фантазияси, ҳаёлот ҳосиласи бўлган бадиий асардир; 5) биографик роман ва анъанавий биография асарларнинг қурилиши ва баён қилиш усули билан ҳам фарқланади. И. Стоун фикрича, «...анъанавий биография бегона кузатувчи – муаллиф томонидан учинчи шахсга –

⁹ Кендалл ажратган биографиянинг бу кўриниши Е.В.Ушакованинг «Литературная биография как жанр в творчестве П. Акройда» мавзудаги номзодлик диссертациясида (Москва, 2001) шу тарзда таржима қилинган.

¹⁰ Kendall P.H. The art of biography. – New York: W.W.Norton and Company, 1985. – P.127.

китобхонга ўқиладиган маъруза тарзида қурилади, биографик романда эса, муаллиф ўз қахрамонларининг мавқеида туриб, ҳамма нарсага унинг кўзлари билан қараб асар яратди»¹¹.

Бугунги кунда тадқиқот олиб бораётган америкалик олим, Миннесота университети профессори Майкл Лэкининг биографик роман жанрига оид қарашлари бу соҳада муҳим аҳамият касб этади. У замонавий америка биографик романини тадқиқ қилиб, жанрнинг ўзига хос жиҳатини қуйидаги хусусиятларида кўрсатади: 1) XX аср америка адабиётида биографик роман биографиядан фарқланган ҳолда, бадиий техника билан бойитилган; 2) биографик роман тарихий, фалсафий, психологик ва илмий позитивизмни инкор этиб, сюрреалистик характерни ўзида мужассам қилади; 3) америка биографик романи замонавий сиёсий ҳаётни танқид қилади; 4) америка биографик романи қуллик ва ижтимоий-сиёсий зулм тизимини фош қилади; 5) америка биографик романи биографияси баён этиладиган шахс ҳаётидаги ахлоқий ва ахлоққа зид муаммоларни кўрсатади¹².

Биографик роман генезиси ва унинг назарий асосланиши жанр жиҳатларининг серқирралигини кўрсатади. Унда бадиийлик тамойиллари ҳаққоний, биографик воқеаларни китобхонга эстетик сайқалланган шаклда етказишга хизмат қилади. Биографик романлар хилма-хиллиги бу жанрда синтезланиш даражаси турлича бўлишини кўрсатади. Шу сабаб бу турдаги асарларнинг янгича кўринишлари яратилиши жараёни тугамаганлиги аниқланди.

«Биографик романда ҳужжатлилик, тарихийлик тамойиллари ва психологизмларнинг қиёсий талқини» деб номланган иккинчи бобда биографик романда ҳужжат ва тарихнинг ўрни ҳақида баён этилган. И. Стоуннинг «Изтироблар ва қувончлар» ва М. Қориевнинг «Ибн Сино» асарларидаги ҳужжатлилик ва илмий ҳақиқатга мослик таҳлил қилинган. Америка ёзувчиси И. Стоун ва ўзбек адиби М. Қориев мураккаб ижодий йўл орқали икки буюк аллома: италиялик ҳайкалтарош, архитектор ва шоир Микеланжело («Изтироблар ва қувончлар»да); Ўрта Осиёлик файласуф олим, ҳаким ва шоир Ибн Сино («Ибн Сино»да) образларини яратганлар. Жанр жиҳатдан ўхшаш бу икки асар биографик роман ҳисобланиб, уларда тарихий шахслар – бош қахрамон, ижодкорлар яшаган давр ва макон – бадиий хронотоп, уларнинг ҳаётлари ва тарихий воқеалар – сюжет вазифасини бажарган.

Мазкур икки асарда Шарқ ва Ғарб муҳитида камолга етган икки буюк шахснинг ҳаёти қаламга олинган. М. Қориев романида Шарқдаги кўҳна ва қадим юртлар, жумладан, Бухоро ва Хоразм, Эрон замини, унинг минг йил олдинги кўринишини, давр колорити, миллийлигини; шунингдек, Ғарбда Авиценна номи билан танилган машҳур файласуф олим ва табиб Абу Али ибн Сино қолдирган маънавий мерос – табобат, фалсафа, мантиқ, дин, риёзиётга доир қарашлари тарихий-ҳужжатлилик асосида бадиий

¹¹ Стоун И. Биографик қисса ҳақида (Оксфорд университетида ўқилган маъруза). // Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 97-115.

¹² Lackey M. The American Biographical Novel. – New York: Bloomsbury, 2016. – P. 34.

гавдалантирилади. И. Стоун эса беш юз йил муқаддам Италия тарихи, маданияти, Микеланжело яратган мангу барҳаёт санъат намуналари тўғрисида ҳикоя қилади. Бу икки романда давр ва макон жиҳатдан жуда катта фарқ бор; айти пайтда И. Стоун ва М. Қориев асарлари тарихий ҳақиқатни, тарихий шахслар ҳаётини бадиий қайта гавдалантириши нуқтаи назаридан муштарак. Ҳар иккала асарда ҳам тарихийлик принципига амал қилинган, аксарият воқеалар ва шахслар реал. Ёзувчилар тарих воқеаларини ҳужжатларга асосланиб ёзган.

И. Стоуннинг «Изтироблар ва қувончлар» биографик романи Микеланжелонинг 495 та мактуби ва архивдан топилган шартномалари асосида ёзилган. Бу ҳақда адибнинг ўзи асар сўнггида келтирилган изоҳда маълумот беради. Шунингдек, у бир неча йил давомида Италиянинг қатор шаҳарларида яшаб, у ернинг халқи, ўзига хос менталитети, миллий таомлари, умуман, энг майда икир-чикирларигача танишиб, асар қаҳрамони сўзлашган шева ҳамда мрамор билан ишлаш техникасини ўзлаштирган¹³. Натижада, асарда итальянча руҳ шаклланган; тафсилотлар эвазига том маънодаги бадиий асар сингари ўқувчини тўлқинлантирадиган, ҳис-ҳаяжон уйғотадиган роман дунёга келган.

Романда тарихий воқеалар баёнига алоҳида этибор қаратилган. Шу сабабли у нафақат бадиий биографик асар, шунингдек, йирик тарихий воқеалардан ташқари, муайян миллатнинг тарихий даврдаги маиший турмуш тарзи, урф-одатлари, интилишлари ҳақида ҳам тасаввур уйғотадиган тарихий асардир. Китобнинг дастлабки бобларида тарихий-ижтимоий ва тарихий-маданий воқеликка кўпроқ диққат қаратилиб, XV аср Италиясининг бадиий суврати чизилган. Кечиктирилган экспозицияда давр колорити, миллий таомлари, кийиниш қоидалари, байрамлар, оддий халқ вакиллари, ҳунарманд, олимлардан тортиб, Флоренцияни бошқариб турган Медичилар оиласининг яшаш тарзигача тасвир этилган. Кейинги боблардан эса секин-аста тарихий-сиёсий воқеаларга ўтилиб, кейинроқда бундай тасвирлар қуюқлаштира борилган. Тарихий воқеалар содир бўлган йиллар аниқ кўрсатилган. Микеланжело кўз ўнгида содир бўлган тарихий воқеликка китобхон бевосита кириб, қуйидагиларга гувоҳ бўлади: XV асрда Флоренция Италиянинг жуда бой маданий марказларидан бири бўлиб, Медичилар оиласи томонидан бошқарилган. Шу даврда йирик олиму файласуфлар, санъаткорлару шоирларга катта имкониятлар яратилган. Шу сабабли бу ерда Платон академияси деб ном чиқарган илму маърифат ўчоғи ташкил этилиб, Лоренцо Медичи унга ҳомийлик қилган. Микеланжелонинг ёшлик йиллари бевосита академия билан боғлиқ бўлиб, бу ерда унинг дунёқараши ва маънавий сиймоси шаклланган. Аммо бу маданий ўчоқ диний фанатизм натижасида вайрон этилади. Асарда Микеланжело сиёсий воқеалар гирдобиди тасвирланади. Бош қаҳрамон уларга гувоҳ бўлади, қатнашади ва ўзининг қатъий позициясига эга бўлган, бу воқеаларга бефарқ бўлолмаган, уларга фаол муносабат билдириб турган шахс сифатида гавдаланади.

¹³ Stone I. The Agony and the Ecstasy. – Signed edition, 1961. – P.756

М. Қориевнинг «Ибн Сино» романида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Романда тарих манзараси худди шу принциплар асосида чизилади. Асардаги экспозицияда тасвирланган ижтимоий-тарихий муҳит, давр колорити аллома яшаган вақтга мослаштирилган. Айниқса, Бухоро, Хоразмнинг Х асрдаги кўриниши, бозорлар, тор кўчалар, оддий халқ, ҳунарманд, деҳқонлар, олим яшайдиган уй-жойларнинг, амир саройидаги бой кутубхонанинг батафсил тасвирланиши китобхонга замон ҳақидаги тасаввурнинг ҳосил бўлишига кўмаклашган. Асарда сиёсий-тарихий мавзуга катта урғу берилган. Аммо бу романда ёзувчи тарихий йилларни аниқ кўрсатмаган. Шундай бўлса-да китобхон тарихий воқеалар гирдобига ибн Сино нуқтаи назари билан киради ва шу йўл орқали уларга гувоҳ бўлади. Мақсуд Қориев Сомон сулоласининг фожиали тақдири, Амир Нуҳ ўлиmidан кейин ҳокимлар ўртасидаги ўзаро кураш, ворис амир Мансур кўзларининг ўйиб олиниши, «Бухоро устида қора булутлар»нинг тўпланиши каби тарихий воқеаларни тасвирлайди, шунингдек, алломанинг ўз юртидан бош олиб кетиши ва Хоразмга – илм-маърифат ҳомийси шоҳ Маъмун ҳузурига бориб, у ердаги, ҳозирги замон тили билан айтганда, Маъмун академиясида ишлашини, ундан сўнг сарсон-саргардонликда, Маҳмуд Ғазнавий таъқибидан қочиб юриши, Ҳамадон, Журжон ва Исфаҳондаги фаолияти ҳақида, тиббиётга оид асарларининг яратилиши каби реал тарихий кечмиш тўғрисида маълумот беради.

Ҳар икки асарда тарихга катта эътибор берилиб, даврнинг реал воқеалари биографияси баён этилаётган шахслар ҳаёти билан боғланган.

Шунингдек, иккинчи бобда биографик романларда қўлланилган психологизмлар таҳлил қилинади. Рус олими В.Е.Хализевнинг психологизмларни намоён қилувчи воситалар диапазонида киритган инсон ҳиссиётлари (хаёллари, истаклари, туйғулари), қаҳрамон қалбида кечаётганларнинг муаллиф тасвирлаган аналитик характеристикаси, персонаж ва муаллиф овозларини ўзида мужассамлаштирган – ўзиники бўлмаган автор нутқи, ички монологлар, кундалиқдаги қайдлар, ондан ташқари қатламда намоён бўладиган туш ва галлюцинацияларининг, инсон психикасида яширинган, онг ости қатламида бўлиб ўтадиган ҳодисаларнинг тасвирланиши, қаҳрамоннинг турли ситуацияларда ўзини тутиши ва ундаги ички кечинмалар ва шунга мос ҳаракатлар каби бадий воситалар америка ва ўзбек адабиёти вакиллари яратган биографик романларда таҳлил қилинди.

Ўзбек ёзувчиси Н. Норматовнинг «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» романида психологизмларга жуда кўп мисоллар бор:

«Бу воқеани отам Нормат Алимардонов шундай ҳикоя қилиб берган эди: «Уйда ўтирган эдик. Рўзи қўшиқ айтди: «Ёрил тош-е, ёрил тош, мен онамни кўрайин, дийдорига тўяйин». Кейин у менга: «Уйимни, ҳовлимни кўргим келаяпти, топиб беринглар», деди. Биз уни бошлаб бордик. Аммо у уйига яқинлашгани сари, юролмай қолди, йўли ҳеч унмас эди. Мен унинг ҳолини тушундим, ўзи ёлғиз бўлсин, деб орқада қолиб юрдим. Аммо у шундай имиллаб юрардики, серҳаракат, чаққон Рўзига сира ўхшамас эди. Унинг қўлтигидан олдим, ўша ҳовлига бирга бордик. Уй эгаси бизларни яхши кутиб олди. Меҳмон қилди. Рўзи бўлса, сомонхонага айланган бир хонали уйчани

кўриб, атрофидан кетмай қолди. У шу уйда туғилганлигини билди, овқатга қайрилиб ҳам қарамади. Ўтириб бир чеккадан чизишга тушди. Ишини тугатиб бўлгач, уй эгаси унга: «Отангиздан қолган тоқлар бор. Ҳозир сизга ўша тоқдан узум узиб келаман», деганида, Рўзининг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Ўридан туриб, боққа борди, тоқларни қўллари билан силаб-сийпалади»¹⁴.

Лавхада рассомнинг чуқур ички кечинмалари роман муаллифи томонидан баён қилинмайди. Аксинча, Н. Норматов ота уйдан узоқ йиллар йироқларда яшаб, уни излаб келган санъаткорнинг ҳиссиётларини қаҳрамоннинг ҳаракатлари орқали беришга интилади. Рассомнинг «Ёрилтош» кўшиғини куйлашида жуда кучли психологик маъно ётади. Маълумки, «Ёрилтош» – бу ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан бўлиб, уни куйлаганда вафот этган онани кўриш орзуси ёрилтошдан сўралади. Муаллиф асар матнига фольклор намунасини киритиш орқали рассомнинг ўкинчи, армонлари, орзу-истагини кўрсатишни мақсад қилган. Романда ёрилтош кучли психологик деталга айлантирилган. Чунки ёрилтошнинг очилиш-очилмаслиги даргумон бўлганидек, санъаткорнинг кўксини ҳам ота уйининг вайрон бўлиб кетганлиги ёки ҳеч бўлмаганда бутунлай бошқача кўриниш олганлиги ҳақидаги шубҳа изтиробга солади. Унинг уйга яқинлашган сари юролмай қолганлиги ҳам ана шундай шубҳа билан изоҳланади. Уни кўриб юролмай қолганлиги орқали рассомнинг ҳам соғинч, ҳам кўрқув, ҳам уни дунёга келтирган ота-онасига юрак тубидаги меҳри, ҳам болалигида ота-онадан айрилиш қисматидан нафрат каби руҳий кечинмалар ифода этилган. Санъаткорнинг овқатга қайрилиб ҳам қарамасдан, расм чизишга киришиши изтироб, шубҳа, кўрқув аралаш кучли истакнинг амалга ошиши билан бўшашган кишининг руҳий ҳолатини ҳам, қаҳрамоннинг ота-онаси ва туғилган уйига меҳрини ҳам англатади, шунингдек, бу эпизоддан рассомнинг бутун борлиғи, вужуди санъат билан тирик эканлигини сезиш мумкин. Тоқлар ҳақида эшитган рассомнинг кўзларида ёш пайдо бўлиши, бориб дарахтларни сийпалаши ҳам маълум психологик маънога эга. У отасидан қолган ёдгорликни сийпалашдан худди отасига қўл теккизгандек бахтиёр бўлади, кўзидан қувонч ёшлари томчилайди. Муаллиф ўз қаҳрамонининг руҳий ҳолатини, кўнглидан кечаётган қарама-қарши кечинмаларни ташқаридан туриб муваффақият билан кўрсата олган.

Худди шундай мисоллар тадқиқот жараёнида батафсил кўриб чиқилди ва биографик романда тарихийлик тамойилларига амал қилинган ҳолда бадиий асар яратилиши мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатилди. Психологизмлар ҳам биографик романда муҳим вазифага эга бўлиши, улар ёрдамида қаҳрамон ички олами ва кечинмаларини тасвирлаш натижасида тўлақонли инсон образи яратилишига хизмат қилиши кузатилди.

«Биографик романнын бадий хусусиятлари» деб номланган учинчи бобда биографик романларда бадиий ғоя, сюжет ва композиция; диалоглар, портрет, пейзаж, хронотоп каби бадиий воситалар; муаллиф маҳорати ва

¹⁴ Норматов Н. Рўзи Чориевнинг сўнги васияти. – Тошкент: Санъат, 2009. – Б. 26.

образи қиёсий таҳлил қилинган. Биографик романга хос бўлган хусусиятларни белгиловчи воситалар – ҳақиқий мактубларнинг киритилиши, даҳо яратмаларининг сўз билан тасвирланиши таҳлил қилинган. И. Стоун ва Н. Норматов қўллаган бу бадиий усул бу – романда қаҳрамонлари яратган картиналаридан фойдаланиб, реал замон ва маконни бадиий хронотопга айлантириш, персонажлар ташқи қиёфаси ва характери шакллантиришдир. Рассомлар чизган суратлардаги пейзаж ёки фон ёзувчи китобида бадиий маконга кўчирилади. Рассом картинаси китобхон кўз ўнгида чизилади, шу билан бирга, воқеалар содир бўлган жой намоён бўлади.

«Ҳаёт иштиёқи»да муаллиф ҳар доим шу бадиий техникадан фойдаланишга ҳаракат қилган. Ҳар бир картина ўз яратилиш тарихига эга. Айрим пайтларда бир картинанинг яратилиш тарихи бутун бир бобда берилган. Инсонларнинг чизилган образлари жонли бўлиб, улар сўзлайдилар, ҳаракат қиладилар, фикрлайдилар. Қаҳрамонлар маълум вақтда ҳаракатланишлари учун макон мавжуд. Мисол учун рассомнинг «Ардлаги ётоқхона» деб номланган картинаси олтинчи китоб, еттинчи қисм учун манба вазифасини ўтаган. И. Стоун замон ва маконни рассом чизган картина асосида куради:

«Vincent saved every franc he could in order to furnish his bedroom. He painted the walls a pale violet. The floor was of red tile. He bought very light, greenish lemon sheets and pillows, a scarlet covering, and painted the wooden bed and chairs the colour of fresh butter. The toilet table he painted orange, the basin blue, the door lilac. He hung the number of pictures on the wall, threw away the window shutters, and then transferred the whole scene to canvas for Theo, so that his brother might see how restful his room was»¹⁵.

Мисолдан рассом хонани қай тарзда жиҳозлаганини кўриш мумкин. «*painted*», «*bought*», «*hang*» каби ҳаракатни билдирувчи сўзлар ёзувчига тегишли бўлса, хонани тасвирловчи «*He painted the walls a pale violet*», «*greenish lemon sheets and pillows*» каби иборалар суратдан олинган.

Худди шундай техника тўртинчи китобнинг саккизинчи қисмида кенгроқ қўлланилган. Бу ерда муаллиф персонажларнинг ташқи кўриниши, касби, яшаш тарзи ва жойини тасвирлашда рассом картиналарини сўз орқали тасвирлаш техникасидан фойдаланган. Рассом картиналари ёрдамида И. Стоун асарда замонни «бошқара» олган. Икки йиллик давр бир қисмга сиқилган ва Ван Гогнинг картинада акс эттирилган камбағал одамларга муносабати кўрсатилган. Ван Гогнинг «Картошкахўрлар» картинаси романинг мана шу бўлимига манба вазифасини ўтаган; бўлимнинг ўзи ҳам шундай деб номланади.

И. Стоун персонажларнинг ташқи кўринишини рассом чизганидек тасвирлайди ва шундан келиб чиқиб, уларнинг характери ёритади. Бўлим қайғули эпизод – Ван Гогнинг отаси вафот этиб, рассомнинг ғам чекиб, ёлғизликда қолганлиги тасвири билан бошланади. Ўз қайғуларини унутиш мақсадида у суратлари учун модель излашга киришади ва Де Гротлар деб

¹⁵ Stone I. Lust for Life. – New York: Pocket books, 1976. – P. 375.

аталадиган деҳқонлар оиласи билан дўстлашиб олади. Муаллиф оила аъзоларининг ташқи қиёфасини куйидагича тасвирлайди:

«Their faces were negroid, with wide, dilated nostrils, hampered noses, huge distended lips, and long angular ears. The features thrust far forward from the forehead, the head was small and pointed»¹⁶.

Тасвирда рассомнинг нигоҳи ёзувчи нигоҳи билан уйғунлашган. Роман муаллифи қахрамонлар қиёфасини худди рассом сингари кўради ва тасвирлайди.

Ван Гогнинг «Картошкаўрлар» деб номланган картинасида ҳам худди шундай образлар тасвирланган. Суратда қора ва кулранг рангда тасвирланган сиймолар асар персонажлари сифатида гавдаланган. Ташқи кўриниш ҳам шунга мос.

Қахрамонлар яшайдиган уй – маконни ҳам ёзувчи суратдагидек чизади:

«They lived in a hut of one room with holes in the walls for bed. There was a table in the centre of the room, two chairs, a number of boxes, and a suspension lamp that hang down from the rough, beamed ceiling»¹⁷.

Бу – рассомнинг дўстлари Де Гротлар оиласининг яшаш жойи. Рассом бу ерда икки йил мобайнида тез-тез бўлиб, улар билан яқиндан дўстлашиб, оила аъзоларининг суратларини турли ҳолатларда – ишлаётган пайтида, овқатланаётганда, кулаётганда чизади. Оила аъзолари Ван Гог суратлари учун модель вазифасини ўтаганлар.

